

«КЕЛИШИЛГАН»

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

ТошДШИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори Г.Ш.РИХСИЕВА
« ____ » _____ 2018 йил

ТошДШИ ректори
проф. А.М.МАННОНОВ
« ____ » _____ 2018 йил

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ЁШЛАР ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ
НИЗОМИ

1. Умумий қоидалар

1.1. Ёшлар инновацион маркази – институт талабаларининг илмий ва ижодий салоҳиятини ошириш, иқтидорли талабаларни аниқлаш, уларни илмий тадқиқот фаолиятига кенг жалб қилиш ҳамда инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича фаолиятни мувофиқлаштирувчи бўлинма бўлиб, иқтидорли ёшлар билан ишлаш услубчиси томонидан бошқарилади.

1.2. Ёшлар инновацион маркази – Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг сифат босқичи талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли ва 2018 йил 5 июлдаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида кўрсатиб ўтилган йўналишлардан келиб чиқиб, талабаларни фан соҳалари бўйича илмий-тадқиқот фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш ўртасидаги корпоратив ҳамкорликни кучайтиришда

талабаларнинг бевосита иштирокини таъминлаш, талабаларнинг старт-ап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган.

2. Ёшлар инновацион марказининг вазифалари

2.1. Ёшлар инновацион марказининг вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

- институт талабаларининг илмий ва ижодий салоҳиятини ошириш;
- иқтидорли талабаларни аниқлаш;
- институт талабаларини илмий тадқиқот фаолиятига кенг жалб қилиш;
- талабаларнинг инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;
- фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш ўртасидаги корпоратив ҳамкорликни кучайтиришда талабаларнинг бевосита иштирокини таъминлаш;
- талабаларнинг старт-ап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;
- иқтидорли талабаларни давлат стипендияларига тайёрлаш ва уларнинг муносиб иштирок этишини йўлга қўйиш;
- иқтидорли талабаларнинг фан олимпиадаларда фаол иштирокини таъминлаш;
- талабалар илмий конференциялари, семинар-тренинглар, маъруза ва лексиялар, ҳамда, таниқли олим ва адиблар билан учрашув ва давра суҳбатларини ташкил этиш;
- “Камолот сари” иқтидорли талабалар илмий мақолалари тўпламини мунтазам чоп этилишини йўлга қўйиш;
- талабалар илмий фаолияти натижалари муҳокама этиладиган Шоислом Шомухамедов номидаги “Ёш шарқшунослар Форуми” ташкил этиш ва ўтказиш;

- институт талабаларининг республика ҳамда халқаро конференциялар, кўрик-танловлар, лойиҳаларда иштирок этишини таъминлаш;

- “Ёш экспертлар гуруҳи” фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш;

- Ўқув йилининг 3-чорагида иқтидорли талабаларнинг старт-ап лойиҳалари бўйича “InnovationWeek TSIOS” ташкил этиш;

- Хорижий мамлакатлар олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда институт Инновацион Маркази билан ҳамкорлик қилиш.

2.2. Ёшлар инновацион марказини ташкил этиш ва бошқариш бўйича институт масъул ходимининг вазифалари:

- Ёшлар инновацион маркази фаолиятини ташкиллаштиради ва назорат қилади;

- Факультетларда ёшлар билан ишлаш борасида олиб борилаётган фаолиятн мониторингини олиб боради;

- Ёшлар инновацион маркази фаолияти юзасидан ҳисоботларни шакллантиради, таҳлил қилдаи ҳамда институт илмий кенгаши аъзолари эътиборига ҳавола қилади;

- Иқтидорли талабаларни рағбатлантириш бўйича институт раҳбариятига таклифлар киритади.

3. Ёшлар инновацион маркази фаолиятини ташкил этиш

3.1. Ёшлар инновацион маркази ўз фаолиятини ташкил этишда Институт ректорининг тегишли буйруғи ва мазкур Низом асосида ташкил этади ҳамда олиб боради.

Ёшлар инновацион маркази фаолияти самарадорлигини назорат қилиш Илмий ишлар бўйича проректор зиммасига юклатилади. Ёшлар инновацион

маркази фаолияти юзасидан Инновацион Марказ ҳамда факультет деканатлари ҳамкорлик қилишлари шарт.

Факультетларда Ёшлар инновацион маркази фаолияти юзасидан вазифаларни факультет деканларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича муовинлари олиб боради.

Ёшлар инновацион маркази фаолияти доирасида даврий равишда олиб борилган фаолият ҳақида факультет деканларининг илмий ишлар бўйича муовинлари Ёшлар инновацион марказининг институт масъул ходимига ҳисобот беради.

3.2. Ҳар ўқув йили бошида Ёшлар инновацион маркази иш режаси тузилади ҳамда институт ректори томонидан тасдиқланади. Факультетлар кесимида иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича иш режаси тузилади ва факультет декани томонидан тасдиқланади.

3.3. Ёшлар инновацион маркази самарали фаолият олиб бориши учун ректорат томонидан қуйидаги тегишли шароитлар яратилади:

- Ёшлар инновацион маркази учун хона ажратилади;
- Ёшлар инновацион маркази фаолиятини ташкил этиш учун керакли концелярия маҳсулотлари билан таъминланади.

3.4. Ёшлар инновацион маркази фаолиятига тегишли қуйидаги иш қоғозларини юритиш тавсия этилади:

- Низом;
- Иш режаси;
- Чораклик ва йиллик ҳисоботлар;
- Олий таълимга тегишли меъёрий ҳужжатлар;
- Илмий анжуманлар, семинарлар, олимпиада, танловлар ўтказишга оид ҳужжатлар;
- Иқтидорли талабалар рўйхати (институт ва факультетлар кесимида);
- Иқтидорли талабаларнинг маълумотномалари.

3.5. Ёшлар инновацион маркази фаолияти доирасида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, факультет деканатлари, Инновацион марказ ҳамда институтнинг ҳамкор ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

Мазкур Низом ТДШИ кенгашининг 2018 йил 2 июлдаги йиғилиши қарорига кўра тасдиқланган.